

“ИШЛАБ ЧИКИЛДАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни таъминлаш бўлими ва бош йиллий-методик мақола

Директор

М.Ў



“КЕЛИШИЛДАН”:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давллат қўмитаси Фан, спорт муассасаларини методик таъминлаш ва таълим бошқармаси

У.О.Мамадалиев

М.Ў

201_ й.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт буйича хузуридан жисмоний тарбия ва спорт буйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази

Директор

И.А.Турегуналиев

М.Ў



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўқиятга олинди
№ НО.805-5-НО
2017 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2017 йил 17 Август даги
қарорини буйруғи билан
тасдиқланган.

“Спорт фаолияти”

Иўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
КАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БЎЙИЧА
МУТАХАССИСЛАРНИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ,
КАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МАРКАЗИ

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва
ўрта махсус, касб-ҳунар ташъиқи йўналишлари бўйича ўқув-ўқувий
бирлашма дарс фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2017 йил 18 - август даги 4 - сонли баянномаси билан
маъқулланган

Тузатишлар:

- “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият
ривожини ва таълим-тарбия масалаларини” модули: с.ф.д., проф.
И.Эргашев, ф.ф.д., проф. М.М.Каххарова.
“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг конунчилиги
нормалари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдаев, ю.ф.н.,
доц. О.Х.Нарзуллаев.
“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик”
модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирзолиева,
ўқитувчилар И.А.Эшмаматов, К.Рискулова.
“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий
ахборот майдонини дойиқлаштириш” модули: ф.м.ф.н., доц. Х.Холматов,
катта ўқитувчилар В.Хамидов, М.Файзилова, ўқитувчилар
Т.Шаймардонов, А.Обидов.
“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар, У.Гийсова,
Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи
мутахассислари.
“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва
қарорлар қабул қилиш технологиялари” модули: ф.ф.д., проф.
Р.Самаров, п.ф.н. Х.М.Алимов, ф.м.ф.н., доц. А.З.Каримов.
Махсус фанлар бўйича: п.ф.д., проф. Р.Д.Халмухамедов, п.ф.д., проф.
А.Н.Абдиев, т.ф.н., доцент Н.Б.Турсунов, и.ф.н. А.А.Йлдаров.
Сапанов Р. - ЎзДЖТИ “Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти”
кафедраси п.ф.д., профессори
Махкамжанов К. – ТДПУ “Жисмоний маданият ва уни ўқитиш
методикаси” кафедраси п.ф.н., профессори.

Тавриччилар:

Ўқув дастури Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг қарори билан
таълиққа тавсия қилинган (2017 йил _____ даги _____ сонли баяннома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил
12 июлдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги
“Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Харакатлар
стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил
20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли қароридан белгиланган устивор
назорат мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий
таълим асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнининг
мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог
кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад
қилади.

Дастур мазмунини олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва
конунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат,
таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш,
амалий хорижий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус
фанлар негизда илмий ва амалий тадқиқотлар, педагогик тараққиёт ва
ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги
ютувлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал
Интернет тармоғи, мултимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш
усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини
шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилган мазмунлар таълим соҳаси бўйича
педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмунини, сифатини
ва уларнинг тайёрлигини кўйилган умумий малака талаблари ва ўқув
режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим
муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва
инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали
фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига
қўллаш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини
кенийтиш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам
ошириш хисобига олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини
ташқиқ этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш, шунингдек, педагогик
вазирларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ
компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос
хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда
тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака
ҳамда компетенцияларига қўйилган талаблар такомиллаштирилиши
мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги
модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонуқчилик нормалари.

II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Спорт таълим сифатини оширишда илгор хоржий тажрибалар.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўлдан

- 3.1. Спорт соҳасида мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.
- 3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

IV. Амалий хоржий тил

- 4.1. Амалий хоржий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили.

VI. Махус фанлар

- 6.1. Малакали спортчиларни тайёрлашнинг замонавий технологиялари.
- 6.2. Болалар ва ўсмирлар спортдаги долзарб масалалар.
- 6.3. Спортда тиббий ва биологик таъминот.

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларини юқсак илмий-методик даражада таъминлашлари

Ушун зарур бўлган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар кирди:

“Спорт фаолияти” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуқсиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

“Замонавий талабаларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш” учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

“Педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хоржий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш”;

“Махус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хоржий тажрибаларни ўзлаштириш”;

“Спорт фаолияти” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўлдан”, “Амалий хоржий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” блок модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрлиги ҳамда компетентлигига қўйилган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- жисмоний тарбия ва спортнинг ҳуқуқий ҳамда ташкилий асосларини;
- спорт машғулотларини ўтказишга қўйилган талабларни;
- “Алгомид” ва “Барчаноий” махус тестлари талабларини;
- спорт фаолияти йўналишида эришилган янги ютуқлар, илмий натижалар, яратилган юмий адабиётларни;
- спорт фаолияти йўналишида замонавий усуллар ва воситаларини;
- спорт муСОбақаларини ташкиллаштиришда замонавий усуллардан фойдаланиш йўллари.

- республикамиз спортчиларининг халкаро мусобакаларда эришган
натижаларини;

- спорт фаолияти йўналиши бўйича илгор хорижий тажрибачиларни,
хорижий тилдаги манбалардан фойдаланишни;

- ноанъанавий спорт анжомларини қўллаш услубларини;

- спорт турларининг ривожланиш тенденцияларини;

- спорт машғулотларининг физиологик-психологик асосларини;

- алоҳида спорт турларида машғулотлар олиб бориш ва ўтказиш
асосларини;

- жисмоний сифатларни тарбиялаш асосларини;

- малакали спортчиларни тайёрлашнинг замонавий технологияларини;

- спортчиларни тайёрларлик турларини;

- спортчилар анотомик-физиологик ривожланиш хусусиятларини;

- мутахассислик фанлари тарихи ва замонавий концепцияларини;

- спортчилар тайёрлаш тизимини бошқарув асосларини;

- спорт мусобакаларига тайёрларлик тизимини;

- машғулотларни режалаштириш ва бошқаришни;

- кўп йиллик тайёрлов тизимида спортчиларни саралаш ва
йўналтиришни *билиши* керак.

Тингловчи:

- спорт фаолияти йўналишида замонавий услублар ва воситалар
асосида машғулотларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

- спорт мусобакаларини замонавий услуб ва воситалар ёрдамида
ташқиллаштириш;

- илмий-тадкикот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш жараёнини
бошқариш;

- малакали спорт машғулотларини режалаштириш ва ҳисобга олиш;

- малакали спортчиларни тайёрлаш тизимида моделлаштириш ва
башорат қилиш;

- республикамизда спорт фаолияти йўналишида олиб борилаётган
илмий тадкикотлар ва уларнинг натижаларини таҳлил этиш;

- республикамиз спортчиларининг халкаро мусобакаларда эришган
натижаларини таҳлил этиш;

- спорт фаолияти йўналишида яратилган замонавий аудио ва видео
манбалардан, электрон ўқув-қўлланмаларни яратиш;

- малакали спортчиларнинг машғулот ва тайёрларлик турларини таҳлил
қилиш;

- мутахассислик фанларини ўқитишда спорт соҳасининг илгор хорижий
тажрибачилардан фойдаланиш;

- спорт фаолияти йўналтиришдаги таниқли хорижий мутахассисларнинг
илмий ишлари билан танишиш, таҳлил этиш;

- кўп йиллик тайёрлов тизимида малакали спортчиларни саралаш ва
йўналтириш;

- инновацион технологиялар ёрдамида машғулотларни ташкил этиш ва
ўтказиш;

- мустақил тарзда машғулотларни режалаштириш ва спортга саралаш
қўлимайдурсиз эта бўлиши лозим.

Тингловчи:

- спорт фаолияти йўналиши бўйича илгор хорижий тажрибачилардан,
хорижий тилдаги манбалардан фойдаланиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

- спорт фаолияти йўналишида яратилган замонавий аудио ва видео
манбалардан, электрон ўқув-қўлланмалардан фойдаланиш;

- ноанъанавий спорт анжомларини қўллаш;

- спорт мусобакаларини ҳужжатлаштириш ва олинган натижаларни
таҳлил қила олиш;

- алоҳида спорт турларида машғулотлар олиб бориш;

- мутахассислик фанлари ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил
таълими ва ижодий изланишларини ташкил этиш;

- спорт фаолияти йўналишида фанларни замонавий техника ва
технологияларга асосланган машқ ва тренинглардан фойдаланиш ва ўқитиш;

- спорт фаолияти йўналишида илмий-тадкикотлар ўтказиш ва янги
илмий ҳамда амалий натижаларни олиш;

- машғулотлар олиб бориш тизимини йўлга қўйиш ва услубиятини
яратиш *малакаларига* эта бўлиши зарур.

Тингловчи:

- спорт фаолияти йўналишидаги модернизация ва ўзгартишларни
педагогик фаолиятга тадбиқ этиш;

- спорт фаолияти йўналиши фанларини ўқитишда сўнги йилларда
эришилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда инновацион технологияларни
қўллай олиш;

- спорт турлари бўйича мусобака қондаларига сўнги киритилган
ўзгаришларни амалиётга қўллаш олиш;

- спорт машғулотларида спортчилар билан ишлашда замонавий
технологиялардан фойдалана олиш;

- спорт фаолияти йўналиши бўйича илгор хорижий тажрибачилардан,
хорижий тилдаги манбалардан фойдаланиш;

- спорт амалиётини моделлаштириш усулини қўллаш;

- замонавий жихоз ва техника воситаларни спорт фаолияти йўналишида
қўллаш;

- машғулотларда малакали спортчиларни тайёрлашнинг инновацион
технологияларини қўллаш *компетентияларига* эта бўлиши лозим.

Курс хажми

Кайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Кайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонининг 3-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилди.

“Спорт фаолияти” йўналиши бўйича кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

1. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия.

Мустақил демократик тараккиёт ва жамият ривожини, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янги-янги назарий-концептуал ғоялар, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини химоя қилиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши, Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши, Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлаганининг зарурлиги.

Танқидий таҳлил, катъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор йўналишлари, Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган тўб демократик ўзгаришлар, Таълим соҳасидаги ислохотлар, модернизациялаш ва интеграциялаш жараёнлари, Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунийлик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар

тайёрлаш миллий дастури, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашни тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги НК-2752-сонли қарорининг мазмуни-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли Фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги НК-2909-сонли қарори, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртиндан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли қарори, 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги НК-1533-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзбекистон таълим тизимини дорекциялар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳуқуқидаги 20-сонли қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-

сонли карори, 2015 йил 2 мартдаги "Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиqlаш ҳақида"ги 36-сонли карори, 2016 йил 2 майдаги "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 136-сонли карори.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаи ва уларга қўйиладиган талаблар. "Олий таълим муассасаларида талабалар билиминин назорат килиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида"ги Низом. "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг мадакавий амалиёти тўғрисида"ги Низом. "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида"ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом. "Магистратура тўғрисида"ги Низом. "Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом ва бошқа меъерий ҳужжатлар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 136-сонли буйруқи, 2017 йил 1 мартдаги "Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида"ги 107-сонли буйруқи, 2017 йил 13 мартдаги "Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида"ги 138-сонли буйруқи, 2015 йил 7 апрелдаги "Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида"ги 123-сонли буйруқи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруқи, 2017 йил 26 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида"ги 342-сонли буйруқи.

II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетенглик.

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахста йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интeрфeол таълим, модуллин-кредит тизими, case study (кейе стади), маҳорат дарслари, ассимeнт

методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга таъбиқ этиш.

Педагог касбий компетенглигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, инфoрмацион, креатив, инновацион компетенглиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетенглиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш.

Педагогик деонтология. Аудиторияда шахсларо муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий тақомиллаштириб бoриши.

Креативлик-педагогик ижодкорлигининг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциални тушунчаи ва моҳияти. Педагогларда креатив компетенгликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шарoитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларининг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

2.2. Спорт таълим сифатини оширишда илгор хорижий тажрибалар.

Хорижий давлатлар таълим тизимининг тараккиёти, хорижий мамлакатлар спорт таълим тизимидаги тажрибаларни ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Хорижий давлатлар таълим тизими сифатининг асосий йўналишлари. АКШ ва Европа давлатлари спорт таълими сифатини ошириш тажрибалари.

Ривожланган Япония, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа давлатларнинг профессионал спортни ташкил этишдаги тажрибалари. Профессионал спортни ташкил этишда Европа давлатлари тажрибаси.

Спорт таълими сифатини оширишда Ван Боттенбург бўйича жиёмоний тарбия сифати стандартлари.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурилари (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўқув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллимлик дастурлари (Spring Free, Articulate ва бошқ.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиага электрон ўқув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоқлари. Интернет технологиялари харақтеристикаси. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Zlunet.uz таълим портали.

Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўқув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотта таҳдидлар. Ахборотни химоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёналари.

3.2. Спорт соҳасида мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.

Мультимедиянинг компонентларидан спорт таълими жараёнида самарали фойдаланиш. Мультимедиа иловалари турлари ва уларни яратиш босқичлари. Аудио ва видео конференция. Самплинг методидан спорт соҳасида фойдаланиш. Соҳага оид мультимедиага электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар ва марбузалар) яратиш. 3D технологиялари ва улардан спорт таълимида фойдаланиш.

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Elevating ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишда спорт соҳасида электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофавий ўқитишни спорт таълимида ташкил қилиш усуллари ҳамда амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS ва SMS тизимларининг асосий функциялари ва улардан спорт соҳасида фойдаланиш.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралик ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларини шакллантириш ва бошқариш. Худудий ва глобал оммавий онлайн очик курслар дастурини яратиш ва ташкил этиш.

IV. Амаглий хорижий тили

4.1. Амаглий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг таълики. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билги ва кўникмаларни шакллантириш усуллари.

Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқалар. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралигида). Тил

ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятининг биллишининг аҳамияти. Маданиятларро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оид ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) иктымол ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутажассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамлардан фойдаланиш.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Оид таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

Тизимли таҳлил назарияси фанларро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимни таҳлилнинг максали ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик феолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик наиятларнинг тизимли таҳлилин амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга кўйилган асосий талаблар.

Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор наиятларини баҳолашнинг эксперти ва протностик методлари.

Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик феолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

5.2. Жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили.

Жисмоний тарбия ва спорт феолиятини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг метъерий-ҳуқуқий асослари. Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш ва уни молиялаштириш. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида спорт менежмент ва маркетинги феолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида молиявий маблаглар тушуми, харақатлар сметасини тузиш ва молиявий феолиятни таҳлил қилиш.

VI. Махсус фанлар

6.1. Малакали спортчиларни тайёрлашнинг замонавий технологиялари.

Малакали спортчиларни тайёрлашда замонавий технологиялардан фойдаланишнинг максали, вазифаси, восита ва усуллари. Малакали спортчиларни техник-тактик ва психологик тайёрлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш.

Спортчиларни тайёрлаш жараёнининг макро тизими дастурини тузиш. Малакали спортчиларни тайёрлаш тизимида замонавий технологиялардан фойдаланиб саралаш, ориентирлаш, бошқариш ва назорат қилиш.

Спортчиларнинг мусобақа фаолияти ва тайёрлаш тизимини эксперимент шартоти. Малакали спортчилар машғулот дастурини тузиш.

Малакали спортчиларни махсус жисмоний тайёрлашнинг ривожлантиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш.

Замонавий технологиялар ёрдамида малакали спортчиларни жисмоний тайёрлашнинг ва ҳаракат сифатларини ривожлантириш.

Малакали спортчиларнинг илмлик тайёрларлик босқичларида юқламақлари режалаштириш технологияси.

Малакали спортчиларнинг ихтисослашувчи талабаларда мураббийнинг касбий кўникмақларини шакллантиришнинг илмий педагогик асослари.

Жисмоний тарбиянинг умумий тавсифлари, йўналиши, воситалари, методлари ва тамойиллари. Спортнинг назарий методик жиҳатлари.

6.2. Болалар ва ўсмирлар спортидати долзарб масалалар.

Ўзбекистонда болалар спортни ҳаракатини бошқаришнинг замонавий тузилиши. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида болаларни жалб қилиш ва контингентни сақлашнинг долзарб масалалари.

Спортта саралаш тизимининг ташкилий асослари. Спортта эрта ихтисослашувнинг афзаллик ва камчиликлари. Спортта танлаш ва спорт ориентацияси.

Болаларнинг спорт қобилияти ва ихтидорини аниқлашнинг долзарб масалалари. Спортдаги юқлама ва уни ёш спортчилар организмга меъёрлаш. Спортчиларни ҳар томонлама ривожлантириш (ақлий ва жисмоний). Ўқув-машғулот жараёнини ташкил этиш.

6.3. Спортда тиббий ва биологик таъминот.

Спортчилар озиқланиши. Спортчилар рационал озиқланишнинг ташкил этишнинг асосий тамойиллари. Йиллик машғулот циклинини ҳисобга олган ҳолда озиқланишнинг ташкиллатириш. Ёш спортчиларни озиқлантириш ҳуусиятлари.

Юқори малакали спортчиларнинг фармакологик таъминоти. Турли машғулот босқичлари, мусобақа ҳамда тикланиш даврларида фармакологик кўмақлашув тамойиллари.

Спорт сифатларини талаб даражасида мустақкамлаб туриш учун қўлланиладиган фармакологик воситалар. Спортда допинг қўллашнинг олдини олиш. Спортда қўлланилиши таъжикланган восита ва услублар рўйхати. Допинг-назорат жараёни.

Спортчиларда кўп учрайдиган ҳасталиқлар. Спортчи организм тизимларининг сурункали зўриқлиши сабаблари, аҳамияти, асоратлари, уни барқараф этиш ва олдини олиш тамойиллари. Спорт жароҳатланиш. Спорт амалиётида шошилнч ҳолатлар ва уларда спорт майдончаси шартотида биринчи ёрдам кўрсатиш асослари.

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш. Ўтилган дарсларнинг муҳокма қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим мутасассларининг тегишли профилъ кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги иқолий топириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёндлар билан боғлиқ вазиятти масалалар асосида амалий ишларни бажардиқлар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимоти ни тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдироти куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:
Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фanni ўзлаштиришга ёрдам берувчи кўшимча материаллар; электрон таълим ресурслари, мавзуза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилди:

- таъси қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа таракқиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа махсулотлари ва бошқа электрон ва қозғов вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас қуч. –Т.: “Маънавият”, 2008–176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011–440 б.
3. Каримов И.А. Она қорғимиз бахти нқболи ва буюк келажати йўлида хизмат қилиш – энг олий садатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзйёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига қирпиши тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. –Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзйёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – норт таракқиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзйёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир рақабар фаолиятининг қундалик қойдаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”, – 2017.– 102 б.
7. Мирзйёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни. –Т.: 2015.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга онд давлат снёвати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг рақабар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Қоррупцияга қарши қуралиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

Конунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтadиган XXXII ёзи Олимпиа ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги ПҚ-2821 сонли Қарори

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2779-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 майдаги “Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 329-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим мусассадалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим мусассадалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириши ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим мусассадаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.

2. Гончарова О.В. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш. Ўқув қўлланма. -Т.: ЎзДЖТИ, 2005. -176 б.

3. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. -Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016. -279 б.

4. Katimova V.A., Zayulchirova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tablli asoslari. -Т.: “O‘zbekiston fanlashlar milliy jam‘iati nashriyoti”, 2014. -192 b.

5. Каримов М.А., Р.Д.Халмухамедов, И.Ю.Шамсметов, С.С.Тажикбаев Боксчиларнинг спорт педагогик махоратини ошириш. Тошкент-2011. -480 б.

6. Michael Swan, Catherine Walter. The Good Grammar Book. Oxford, 2001.

7. Mark D. Matlack. Exercise sport riyatmasolov. / USA. - 2015.

8. Норенков И.П., Зимиин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие. -М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана, 2002. -336 с.

9. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педвуз. - в 2-х кн. - М.: ВЛАДУС, 1999. - 567 с.

10. Крептиния педагогика. Методология, теория, практика. / под ред. д.т.н., проф. В.В.Попова, акад.РАО Ю.Г.Кургулова. -3-е изд. -М.: “ИННОМ. Лаборатория знаний”, 2012. -319 с.

11. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004.

12. Саломов. Р.С., Керимов Ф.А. Жисмоний тарбияда педагогик технологиялар: Ўқув қўлланма. -Т.: “ЎзДЖТИ” нашриёт-матбаа, 2010. -126 б.

13. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. -СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004. -316 с.: ил.

14. Сурмин Ю.П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие. -Киев: “МАЛУП”, 2003. -242 с.

15. Сагамов Р.С. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. -Т.: 2014. -296 б.

16. Спортивная медицина. Национальное руководство. / Под ред. С.П.Миронова, Б.А.Поляева, Г.А.Макаровой. -М.: Гэотар-Медиа. - 2012 г. - 1182 с.

17. Спортивная фармакология и диетология. / Под ред. С.А.Олейника, Д.М.Гунинной. - М.-С-Пб.-К.: Диалектика. - 2008 г. - 249 с.

18. Усмонходжаев Т.С., Абдуллаев Ш.А., Салимов А.А., Абдулхакимова Э.Н. Болалар ва ўсмирлар спорти асослари. Т.: Замон роўгаф, 2014. - 193 б.

19. Халмухамедов Р.Д. Бокс. Ўқув қўлланма. Тошкент - 2008, 308 бет.

20. G‘ilomov S.S., Vesalov B.A. Infomatika va axborot texnologiyalari. -Т.: Fan, 2010. -686 б.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси: www.adi.uz.

3. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими Мунофиқлаштирувчи кенгаши: www.icsocspci.gov.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Ёш илмий-методик маркази: www.bilm.uz

5. www.ziyoue.uz

6. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz.